

# Аккредитация кишиш мақсадида жойнинг ўзида баҳолашни ўтказиш түғрисида

*БУХ* АК-500-21/11 -АК-сон шартнома

Тошкент ш.

“13” 01 2022 й.

Бир томондан Устав асосида фаолият олиб борувчи, кейинги матнларда “Марказ” деб аталувчи “Ўзбекистон аккредитация маркази” ДУК номидан директор А.А.Закиров, ҳамда иккинчи томондан *Устав* асосида фаолият олиб борувчи, кейинги матнларда “Аккредитация объекти” деб аталувчи O‘zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi akademik S. Yu. Yunusov nomidagi O‘simalik moddalari kimyosi instituti номидан *дир. ёнш содуласев* биргалика “Томонлар” деб юритилади, куйидагилар түғрисида ушбу шартномани (кейинги матнларда “Шартнома” деб юритилади) имзоладилар.

## 1. Шартнома предмети

1.1. Марказ хизматлари мазкур Шартномага мувофиқ ҳамда Аккредитация объектларини аккредитация кишиш соҳаларидаги норматив-хукукий хужжатлар, ISO/IEC 17011 ҳалқаро стандарти, шунингдек, Аккредитация бўйича Осиё-Тинч океани ҳамкорлиги (APAC), Лабораториялар аккредитацияси бўйича ҳалқаро ҳамкорлик (ILAC) ва Ҳалқаро аккредитация форуми (IAF) талаблари ва тавсияларига асосланган Марказнинг аккредитация тартибот-таомил хужжатлари ва йўрикномалар асосида кўрсатилади.

1.2. Марказ аккредитация тартиб-таомилларига тааллукли зарур маълумотларни, аккредитация соҳасига оид тегишли хужжатларни (аккредитация объектига тааллукли бўлган қисмида) Марказнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади ҳамда улардан фойдаланиш очик хисобланади.

1.3. Марказ аккредитация объектидан аккредитациядан ўтказиш түғрисида буюртма (кейинги матнларда – Буюртма), аккредитацияга оид конунчилик, аккредитация ўтказиш тартиб-таомилида назарда тутилган хужжатлар ва маълумотлар илова қилинган ҳолда (электрон кўринишида) қабул қилиб олганидан сўнг ҳамда Марказ хизматлари (ишлари) учун тўлов амалга оширилганидан кейин мазкур Шартнома бўйича хизматларни кўрсатиша киришади.

1.4. Агар Аккредитация объекти Шартнома имзолангандан сўнг ўн иш куни ичida ёзма равища Марказ хизматларидан воз кечишини ёки хизматлар аниқ рўйхатини ўзгартиришини маълум қиласа, у ҳолда ушбу Аккредитация объекти мазкур Шартномада кўрсатилган хизматлар кўрсатилишига рози бўлган ва улар учун тўловни амалга ошириш мажбуриятини олган деб хисобланади.

1.5. Марказ Шартномани тузиш ёки хизматлар кўрсатиш жараённида, Аккредитация объектининг ёки учинчи шахсларнинг ўрнини эгалламаслигини, уларнинг мажбуриятларидан озод қиласигини, шунингдек бошқа бирор-бир шаклда Аккредитация объектининг учинчи шахслар олдиаги ёхуд учинчи шахсларнинг Аккредитация объекти олдиаги ҳар кандай мажбуриятини ўз зиммасига олмаслигини, камайтираслигини, бартараф этмаслигини Аккредитация объекти тан олади.

## 2. Ишларни нархи ва ҳисоблашиш тартиби

2.1. Ушбу шартномага асосан куйида келтирилган ишлар бўйича Аккредитация объекти топшириш, Марказ эса кўрсатилган ишларни бажариш мажбуриятини олади.

2.2. Шартноманинг умумий қиймати:

Т/р	Хизмат номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи (сўм)	Кўрса-тиладиган хизмат қиймати	КҚС		Кўрсатиладиган хизматнинг КҚСни ҳисобга олган ҳолдаги қиймати
						Ставкаси	Микдор	
1	синов лабораториясини аккредитация қилиш мақсадида жойнинг ўзида баҳолаш ўтказиш	киши/кун	59,8	813 835,00	48 667 333,00	15%	7 300 099,95	55 967 432,95
<b>Жами</b>					<b>48 667 333,00</b>		<b>7 300 099,95</b>	<b>55 967 432,95</b>

**Жами шартнома суммаси:** эллик беш милион тўқиз юз олтмиш етти минг тўрт юз ўттиз икки сўм, 95 тийин.

2.3. Мазкур Шартномага мувофиқ Марказ хисоб рақамига, Аккредитация объекти 2.2-бандда кўрсатилган жами суммани ўтказиб берииш (тўлаши) лозим.

2.4. Томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ, тўловнинг 30% микдори Аккредитация объекти томонидан накдсиз тўлов шаклида, Шартнома томонлар имзоланган қундан бошлаб 10 (ўн) кун ичida амалга оширилади, қолган 70% тўлов бажарилган ишлар далолатномаси имзолангандан сўнг 5 (беш) кун ичida Марказнинг хисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.5. Томонлар ўртасида ишни бажариш учун мазкур шартноманинг 2.2-бандида келтирилган қиймат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 апрелдаги 349-сон карори билан тасдиқланган Низомнинг 62-бандига мувофиқ ҳамда ўзаро келишилган ҳолда белгилаб олинди.

## 3. Ишларни бажариш, топшириш ва қабул қилиш тартиби

3.1. Аккредитация объекти ишларни бажариш учун Марказга шартнома, мурожаатнома, ўрнатилган тартиба тайёрланган хужжатлар мажмусини тўпламини топширади;

3.2. Марказ хисоб-фактураларни Марказ томонидан “Бажарилган ишлар далолатномаси” (кейинги матнларда - далолатнома) имзоланганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июндаги 522-сон карорга асосан электрон шаклда расмийлаштириб тақдим этади.

3.3. Шартноманинг 2.2-бандида келтирилган хизматлар натижаси бўйича расмийлаштирилган хисобот санаси ёки/ва Томонлар далолатномани имзолаган сана хизмат кўрсатилганлигининг далили ва санаси хисобланади.

3.4. Аккредитация обьекти далолатномани олган кунидан бошлаб 5 (беш) иш куни ичida имзолаш мажбуриятини олади. Далолатномадан норози бўлган ҳолатларда, Аккредитация обьекти қайд этиб ўтилган 5 (беш) иш куни ичida Марказни ёзма равища бундан хабардор килиши ҳамда Марказга асослантирилган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган эътирозларини ёзма равища тақдим этиши зарур. Агар мазкур бандда кўрсатиб ўтилган муддатда далолатнома имзоланмаса ёки ёзма равища эътирозлар тақдим этилмаса, Далолатнома имзоланган хисобланади ҳамда бу ҳолат тақдим этилган хисоб бўйича тўловларни амалга ошириш учун асос бўлиб хизмат килади.

#### 4. Шартноманинг амал қилиш муддати

4.1. Мазкур Шартнома ҳар икки Томон имзолаган кундан бошлаб, бюджет ташкилотлари билан тузилган шартномалар эса Газназилик бўлинмасида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ҳамда 2022 йил 31 декабрь кунига кадар амал қиласди, конун ҳужжатлари ёки мазкур Шартномада кўрсатилган Шартномани бекор қилиш ҳолатлари бундан мустасно.

4.2. Ҳар кандай асосга кўра (шу жумладан 4.1-банд) мазкур Шартнома муддатидан олдиндан бекор қилинган ҳолатларда, Аккредитация обьекти Марказга мазкур Шартномани бажариш доирасида ҳужжатлар билан бажарилганлиги тасдиқланган ишлар бўйича тўловларни тўлаб беради.

#### 5. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

##### 5.1. Аккредитация обьекти қўйидаги ҳуқуқларга эга:

1) баҳолаш якунлари бўйича Аккредитация обьектини аккредитация талаблари ва шартларига мувофиқлиги юзасидан баҳолаш гурухи хисоботининг (кейинги матнларда - хисобот) бир нусхасини олиш;

2) Марказ томонидан амалга оширилаётган жойнинг ўзида баҳолаш жараёнларини фото ва видео шаклда қайд этиб бориш;

3) баҳолаш гурухи таркиби (баҳолаш гурухи раҳбари, баҳоловчилар, техник эксперtlар, кузатувчилар) ва баҳолаш ўтказиладиган сана бўйича асосланган таклифлар бериш;

4) Марказга унинг ходимлари ёки баҳолаш гурухи аъзолари хатти-харакатлари устидан асосли шикоят қилиш;

5) асослантирилган сабаблар кўрсатиб ўтилганда, аккредитация, тақорий аккредитация ёки аккредитация соҳасини кенгайтиришга оид баҳолаш натижасида аниқланган номувофиқликларни бартараф этиш учун белгиланган муддатни, бир ойдан кўп бўлмаган муддатга, ўзайтиришни сўраб Марказга ёзма мурожаат қилиш;

6) Марказнинг аккредитациядан ўтказишни, аккредитация соҳасини кенгайтиришни рад этиш, аккредитация тўғрисида гувоҳномани тўхтатиб туриш ёки тугатиш бўйича қарори юзасидан хабарнома олиш;

7) Аккредитациядан ўтказишни, аккредитация соҳасини кенгайтиришни рад этиш, аккредитация тўғрисида гувоҳномани тўхтатиб туриш ёки тугатиш бўйича қабул килинган қарор юзасидан Марказ қошидаги Апелляция комиссиясига ёки суд тартибида шикоят қилиш;

8) Марказга аккредитация соҳасини долзарблаштириш, кенгайтириш (қисқартириш), аккредитация тўғрисида гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки аккредитация тўғрисида гувоҳномани белгиланган тартибида қайта расмийлаштиришни сўраб мурожаат қилиш;

9) аккредитациядан ўтказиш, аккредитация соҳасини кенгайтириш (қисқартириш), шунингдек даврий баҳолашни ўтказиш жараёнлари оперативлигини ошириш мақсадида тегишли ҳужжатларнинг электрон шаклларини тақдим этиш;

Аккредитация обьекти амалдаги қонунчилик ҳужжатларига ва мазкур Шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

##### 5.2. Аккредитация обьектининг мажбуриятлари:

1) аккредитациянинг умумий талаблари ва шартларига, шу жумладан аккредитация талабларидаги ўзгаришларга, Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқукий ҳужжатларига, Марказнинг рамий сайтида жойлаштирилган аккредитация тартиб-таомилларини белгиловчи ҳужжатлар (аккредитация обьектига таълукли бўлган кисмида) талабларига ҳамда мазкур Шартнома талабларига риоя этиш ва уларнинг бажариш далилларини тақдим этиш;

2) Аккредитация обьекти томонидан аккредитация қилиниши сўralаётган ҳалқаро стандарт талбаларини аккредитация қилиш бўйича баҳолаш жараёнигача бажарилишини таъминлаш;

3) хорижий давлатларнинг аккредитация органларида аккредитациядан ўтганлиги ва аккредитация тўғрисида гувоҳнома олганлиги ҳақида Марказни хабардор кўлиш;

4) аккредитация обьектида ўтказиладиган баҳолашда, Марказ томонидан тақдим этилган баҳолаш гурухи таркиби (баҳолаш гурухи раҳбари, баҳоловчилар, техник эксперtlар, кузатувчилар) ва баҳолаш ўтказиладиган санасини келишиш;

5) Марказга тақдим этиладиган ҳужжатлар, маълумотлар ва материалларнинг хакқонийлигини таъминлаш, уларни қалбакилаштираслик, ишончсиз ёки ёлғон маълумотларни тақдим этмаслик;

6) аккредитация обьекти ва/ёки унинг пудрадчиси Марказ томонидан кўрсатиладиган аккредитация хизматларига оид (аккредитация учун асос бўлувчи стандартларга асосан баҳолаш) ўхшаш хизматларни кўрсатмаслик;

7) баҳолаш гурухи, баҳолаш жараёнида Аккредитация обьектининг ҳудудида бўлиб турган вақтида дуч келиши мумкин бўлган мавжуд ёки эҳтимолий хавфлар тўғрисидаги мавжуд маълумотларни тақдим этиш, шунингдек заруратга қараб - меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникини борасидаги қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида шахсий химоя воситалари билан баҳолаш гурухини таъминлаш;

8) жойнинг ўзида баҳолаш ўтказиш режасида ўрнатилган вақтдан бошлаб баҳолаш учун шарт-шароитлар, шу жумладан баҳолаш гурухига зарур маълумот, ёзувлар ва ҳужжатлардан (шу жумладан, ички аудит натижаларидан) фойдаланиш, биноларга кириш ҳамда маъсул ходимлар малакасини баҳолаш имкониятини яратиш;

9) баҳолаш жараёнида Аккредитация обьектида расмий ишламайдиган шахсларнинг (баҳоланаётган бўлимда, корхона раҳбари ва юрист маслаҳатчи бундан мустасно) иштирок этмаслигини таъминлаш, баҳолаш жараёнини қасдан чўзмаслик, электр энергиясиининг қасдан ўчирмаслик;

10) Марказ ва бошқа мувофиқликни баҳолаш органларини обрўсизлантириши мумкин бўлган хатти-харакатларни (баланд овозда гапириш, провокация, баҳолаш гурухи аъзоларига таҳдид ва босим ўтказилиши, маст ҳолатда бўлиш,) амалга оширмаслик;

11) баҳолаш гурухи аъзоларига бирор бир пул маблағларини ёки моддий кимматликларни тақлиф килмаслик, коррупцион харакатларга уринмаслик, шунингдек, баҳолаш гурухи аъзоларини тушлик ва кечки овқатга тақлиф этмаслик;

12) Марказ томонидан аккредитация обьектини баҳолаш бўйича ўз фаолиятини олиб бориш усуслари ҳақидаги ахборотни тарқатмаслик, ишларни бажаришда (хизматлар кўрсатишида) маҳфийликни сақлашни, ваколатлиликни, ҳолисликни, обьективликни ҳамда тижорат ва бошқа турдаги манфаатлардан мустақилликни таъминлаш;

13) Марказ томонидан талаб этилган ҳолларда Аккредитация обьекти томонидан мувофиқликни баҳолаш фаолиятини гувоҳлик баҳолашини, шу жумладан буюртмачи худудида баҳолашни ташкил этиш;

14) Шартномага асосан Марказнинг хизматлари учун тўловни ўз вактида ва тўлиқ ҳажмда амалга ошириш, бажарилган ишлар тўғрисида далолатномани имзолаш ёки асослантирган ҳолда буни рад этиш;

15) баҳолаш гурухи томонидан, аккредитация, тақрорий аккредитация ёки аккредитация соҳасини кенгайтириш бўйича ўтказилган баҳолаш натижасида аникланган номувофиқликларни амалда бартараф этишга муддат берилганда ёки аккредитация комиссиясининг карори билан аккредитация тўғрисида гувоҳноманинг амал қилиши тўхтатилганида, номувофиқликларни бартараф этишга доир ҳаракатлар режаси ва ҳаракатлар режасини бажариш тўғрисидаги маълумот ҳамда тасдиқловчи хужжатларни белгиланган муддатларда Марказга тадқим этиш;

16) Аккредитация обьектининг аккредитациясига алоказор бўлган мухим ўзгаришлар (юридик, иктисадий, мулкий, ташкилий ўзгаришлар, раҳбар ходимларнинг ёки асосий ходимларнинг ўзгариши, юридик ва жойлашган жойи ўзгариши ҳамда Аккредитация обьекти томонидан аккредитация талаблари ва шартларини бажарилишига таъсир этувчи бошқа масалалар) тўғрисида Марказни кечиктирилсан ёзма хабордор этиш;

17) Аккредитация комиссияси томонидан ижобий қарор қабул қилинса, Марказ ва Аккредитация обьекти ўртасида аккредитациядан кейинги шартномани уч иш куни мобайнида имзолаш ва кейинчалик аккредитациядан кейинги шартномага амал қилиш.

Аккредитация обьекти амалдаги қонунчилик хужжатларига ва мазкур Шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### **5.3. Марказнинг ҳукуклари:**

1) Аккредитация обьектини баҳолаш мақсадида шартнома асосида миллий ва/ёки ҳалқаро баҳоловчилар ва техник эксперталарни жалб этиш;

2) ўз ваколати доирасида Аккредитация обьекти томонидан тақдим этилган хужжатлarda мавжуд маълумотларни тасдиқлаш, аниклаштириш ёки изоҳлаш учун зарур бўлган кўшимча маълумотларни сўраб олиш шунингдек, Аккредитация обьекти томонидан кўрсатилган маълумотларда ишончсиз ёки ёлғон маълумот мавжудлиги, Марказ томонидан Аккредитация обьектидан кўшимча маълумотлар талаб этмаган ҳолда, уларнинг ишончлилигини мустақил равишда ва ўз хисобидан текшириш;

3) Аккредитация обьекти томонидан аккредитация килиниши сўралаётган ҳалқаро стандарт талбаларини аккредитация жараёнигача бажарилиши таъминлаётганлиги тўғрисида маълумотларни сўраш;

4) баҳолаш гурухи томонидан жойнинг ўзида баҳолаш ўтказишида сўралган соҳага тегишли бўлган зарур маълумотлардан, ёзувлардан ва хужжатлардан (шу жумладан, ички аудит натижаларидан) фойдаланиш, биноларга кириш ҳамда ходимлар малакасини баҳолаш;

5) Аккредитация обьектининг тегишли ходимларини малакасини баҳолаш уларнинг шахсий карталарини ўрганиш, сўралган соҳадаги малакасини, тайёргарлигини, маълумотини, мувофиқликни баҳолаш бўйича қўнималарини намойиш қилишини кузатиш ва сұхбатдан ўтказиш;

6) баҳолаш гурухи томонидан лабораториялараро солиширига синовлар натижаларини ва ўлчов воситаларини калибрлаш ҳамда таққослаш текширув натижалари, шунингдек, сўралган соҳаларда назорат синовларини ўтказилишини талаб қилиш;

7) Аккредитация обьектини баҳолаш жараёнларини фото ва видео шаклда қайд этиб бориш;

8) кўрсатилаётган хизматлар якунланмасдан шартнома бекор қилинганда, Аккредитация обьекти тўлаб берган маблағдан ҳақиқатда кўрсатилган хизматлар қийматини ушлаб қолиш.

9) жойнинг ўзида баҳолаш ўтказиш учун шарт-шароит яратиб берилмаган ҳолатда, баҳолаш ишларини белгиланган тартибида тўхтатиш, Аккредитация обьекти келишилган муддатлар давомида жойнинг ўзида баҳолаш ўтказиш учун шарт-шароит яратиб бермаса, аккредитация қилишга берилган буюртма бекор қилиш;

10) Аккредитация обьектини баҳолаш бўйича Марказ фаолиятини олиб бориш усуслари ҳақидаги ахборотни Аккредитация обьекти томонидан учинчи томонга тарқатилса, Марказ ўз манфаатларини химоя қилиш учун зарур чораларни кўриш;

11) мазкур шартноманинг 5.2-бани талаблари Аккредитация обьекти томонидан бажарилмаган ҳолатларда аккредитация жараёнини тўхтатиш ёки тутатиш;

12) Марказ ўзи қабул қиласиган ва бошқа бирон-бир ташкилот ёки шахс томонидан тасдиқланмайдиган аккредитация карорлари учун ваколатидир.

Марказ қонунчилик хужжатларига ва мазкур Шартномага мувофиқ бошқа ҳукукларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### **5.4. Марказнинг мажбуриятлари:**

1) Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари, техник жихатдан тартибга солиш, мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги норматив хужжатлар, шу жумладан ҳалқаро стандартлар талабларига ҳамда аккредитация соҳасидаги ҳалқаро қоидалар, Ҳалқаро аккредитация форуми (IAF) ва Лабораториялар аккредитацияси бўйича ҳалқаро ҳамкорлик (ILAC) талабларига шунингдек, Марказ томонидан ўрнатилган бошқа талабларга ҳамда ушбу Шартномага риоя этиш;

2) Аккредитация обьекти Хизматлар учун ўз муддатида ва тўлиқ ҳажмда тўловни амалга оширганда хизматларни ўз муддатида мазкур Шартноманинг 1.1-бандига риоя қилган ҳолда кўрсатиш;

3) Аккредитация обьекти Марказни ўз худудида амал қиласынан мөхнат мухофазаси ва хавфсизлик техникасыга оид меңгер вә қоидалар ҳакида олдиндан хабардор килганды, Марказ томонидан тайинланган баҳолаш гурухининг Аккредитация обьекти худудида бўлган вақтида ушбу меңгер вә қоидаларга амал қилишларини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўриш;

4) Аккредитация обьектига жойнинг ўзида баҳолаш ишлари якуни бўйича расмийлаштрилган баҳолаш гурухи ҳисоботини бир нусхасини бериш;

5) Аккредитация обьектини баҳолаш якунларига кўра номувофиқлар бартараф этилмаса (шу жумладан, ҳужжатларни экспертизадан ўтказиши натижасида аникланган номувофиқлар), баҳолаш гурухи томонидан ушбу номувофиқларни бартараф этиш учун мақбул, аммо икки ойдан ортиқ бўлмаган, муддат белгилаш;

6) Аккредитация обьекти асосланган сабабларни ёзма равишда Марказга тақдим этганда, номувофиқларни бартараф этиш муддатини бир маротаба бир ойдан кўп бўлмаган муддатга суриш;

7) Аккредитация обьекти томонидан ҳаракатлар режасини бажариш тўғрисидаги маълумотлар ва номувофиқлар бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар белгиланган муддатда тақдим этилган санадан бошлаб ўн иш кунидан ошмаган муддатда, номувофиқларни амалда бартараф этилганлик ҳолатини зарур бўлган ҳолда, жойнинг ўзига борган ҳолда ўрганиш;

8) Аккредитация обьектини баҳолаш якунлари бўйича ҳисбетни қабул қилган санадан бошлаб белгиланган муддатда тегишли қарор қабул қилишни таъминлаш;

9) Аккредитация бериш бўйича ижобий қарор қабул қилинганда, Марказ ва аккредитация обьекти ўртасида аккредитациядан кейинги шартномани имзолашни ҳамда уч иш куни мобайнида аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани беришни таъминлаш;

10) Аккредитацияни рад этиш бўйича қарор қабул қилинганда, қарор қабул қилинган санадан бошлаб, уч иш куни мобайнида Аккредитация обьектига ёзма шаклда хабарнома юбориш;

11) рад этиш учун асослар мавжуд бўлмаса, Аккредитация обьектининг аризасига кўра аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани қайта расмийлаштириб бериш ва/ёки долзарблаштирилган аккредитация соҳасини тасдиқлаб бериш;

13) Марказ ўзи қабул қиласынан мавжуд бўлганда, Марказ томонидан тасдиқланмайдиган аккредитация қарорлари учун жавобгардир.

Марказ конунчилик ҳужжатларига ва мазкур Шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

## 6. Махфийлик

6.1. Томонлар махфийликка риоя этиш ҳамда Хизматларни кўрсатиши муносабати билан бир-бирларидан олинган ҳар қандай махфий маълумотларни, шу жумладан мазкур Шартнома мазмунини учинчи шахсларга ошкор этмаслик мажбуриятини олишади, конунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

6.2. Махфий маълумот деганда, тижорат сири, бизнесни ривожлантириш ва даромад олиш имкониятлари ҳакидаги махсус маълумотлар ва билимлар мавжуд бўлган исталган маълумотлар, Томонларнинг исталган бирига афзаллик ёки бирор-бир устунлик тақдим этадиган, ушбу маълумотнинг ошкор этилиши шундай афзаллик ёки устунликнинг йўқолишига ёки камайишига олиб келадиган ҳар қандай маълумот, ёхуд ошкор этилиши Томонларнинг манфаатларига зид бўлган ёки сирларга даҳл этиш ҳисобланадиган ёхуд Томонлар ходимларининг шахсий хаётiga аралашув сифатида баҳоланадиган ҳар қандай маълумот тушунилади.

6.3. Махфийлик талаблари Томонлар учун мазкур Шартнома имзоланган санадан бошлаб кучга киради ва унинг амал қилиш муддати тугағунга қадар ҳакиқий ҳисобланади.

6.4. Аккредитациядан ўтказилган аккредитация обьектига оид маълумотлар (юридик шахс номи, СТИР, манзили, Аккредитация обьекти раҳбарининг Ф.И.Ш. алоқа маълумотлари ва телефон рақамлари, давлат реестридаги рақами ва давлат реестрида кўрсатиладиган бошқа маълумотлар) ҳамда тасдиқланган аккредитация соҳаси Марказнинг веб-сайтига жойлаштирилади ва барча учун очик ҳисобланади.

6.5. Агар Марказ конунчиликка ёки шартномавий битимлар қоидаларига мувофиқ махфий маълумотларни ошкор қилиши талаб этилса бу ҳақда Аккредитация обьектини хабардор қиласи, агарда бу конунчиликка зид бўлмаса.

6.6. Аккредитация обьекти маълумот унинг ўзидан бошқа шахслардан олинган бўлса (масалан, шикоят килувчи, ваколатли давлат бошқаруви органлардан) ушбу маълумот Томонлар ўртасида махфий ҳисобланади. Бундай маълумотларни етказиб берувчи шахс (манба) Марказ томонидан махфий деб ҳисобланади, агарда маълумотларни етказиб берувчи шахс (манба) билан бошқача келишилган бўлмаса.

## 7. Мулк ҳукуки

7.1. Баҳолаш жараёнига таълуқли Марказнинг ҳисбетлари, далолатномалари, ҳужжатлари Марказнинг мулки ҳисобланади, Аккредитация обьекти мазкур ҳужжатлар мазмунини бирор-бир шаклда ўзгаришишга ёки нотўғри талқин этишга ҳақли эмас.

## 8. Ҳукукларнинг берилиши

8.1. Иккинчи Томоннинг ёзма розилигини олмасдан туриб на Марказ, на Аккредитация обьекти ўз ҳукуқ ва мажбуриятларини учинчи шахсларга беришлари ёки ўтказишлари мумкин эмас.

## 9. Форс-мажор

9.1. Агар форс-мажор ҳолати оқибатида Томонлар мазкур Шартномада кайд этилган ўз мажбуриятларидан исталган бирини тўлиқ ёки кисман бажара олмаса, бунинг учун Томонларнинг бирортаси жавобгар бўлмайди.

9.2. Табиий оғатлар, уруш, қамал, саботаж, жамоат тартибсизликлари, иш ташлашлар, экспорт ёки импортга тақиқ қўйилиши, карантин ва эпидемиялар, Томонларга боғлик бўлмаган давлат органлариниң ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги, Томонларнинг мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятлариниң бажаришини имконсиз қилиб қўядиган норматив-ҳукукий ҳужжатларнинг қабул килиниши, шунингдек конунчиликка мувофиқ Томонлар олдиндан кўра олиш ёки олдини олиши мумкин бўлмаган бошқа ходисалар форс-мажор ҳисобланади.

9.3. Форс-мажор юзага келганды, мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришига имкон бермайдиган ҳолат содир бўлган Томон зудлик билан (бундай ҳолат содир бўлган кундан бошлаб 3 (уч) кундан кечиктирмай) иккинчи Томонни форс-мажор юзага келгани хақида ёзма равишда хабардор килади ҳамда ушбу ҳолатлар содир бўлиб турган вақтда Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришни кечиктиришни таклиф қиласди.

9.4. Агар форс-мажор 3 ойдан ортиқ давом этса, исталган Томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришни давом эттиришдан воз кечишга хакли.

## 10. Ноқонуний ва ҳуқуқларга қарши харакатларга йўл қўйилмаслик

10.1. Томонлар иккинчи Томонга нисбатан амалдаги конун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда жавобгарлик белгиланган бирор-бир гайриқонуний хатти-харакатларни ёхуд ҳаракатсизликларни амалга оширишмайди.

10.2. Томонлар ўзларининг мансабдор шахслари, ходимлари ёки аффилланган шахслари иккинчи Томоннинг мансабдор шахслари, ходимлари ёки аффилланган шахсларига нисбатан конун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарлик белгиланган бирор-бир гайриқонуний хатти-харакатларни ёхуд ҳаракатсизликларни амалга оширишларига йўл қўймайди.

10.3. Бундай гайриқонуний хатти-харакатларга қўйидагилар кириши мумкин, аммо улар шу билан чекланмайди: таҳдидлар; ўз касб мажбуриятларини етарли даражада бажармаслик; ҳавф остида қолдириш; тъмагирлик; обўсизлантириш; ҳужжатларни, штампларни, мухрларни, бланкларни эгаллаб олиш, йўқ килиш, яроқсиз холга келтириш ёки яшириб қўйиш; ҳужжатлар, штамплар, мухрлар, бланкларни тайёрлаш, калбакилаштириш, шунингдек уларни сотиш ёки улардан фойдаланиш.

10.4. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида Томонлар, уларнинг мансабдор шахслари, ходимлари ёки бошка аффилланган шахслари ёхуд бошка шахслар Томонлар манфаатидан келиб чиқиб исталган шашларга, уларнинг ҳаракатлари ёки карорларига таъсир кўрсатиш мақсадида бирор бир пул маблағларини ёки моддий кимматликларни тўламайдилар, тўлашни таклиф этмайдилар ҳамда тўлашга рұксат бермайдилар.

10.5. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида Томонлар, уларнинг мансабдор шахслари, ходимлари ёки бошка аффилланган шахслари ёхуд бошка шахслар Томонлар манфаатидан келиб чиқиб конун ҳужжатларига мувофик пора бериш/олиш, тижоратда пора эвазига оғдириб олиш деб баҳоланадиган хатти-харакатларни, шунингдек жинойи йўл билан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш тўғрисидаги конун ҳужжатлари ва ҳалкаро ҳужжатлар талабларини бузувчи ҳаракатларни амалга оширимаслик мажбуриятини олишади.

10.6. Мазкур Шартномани бажариш жараёнида иштирок этаётган шахсларнинг бетарафликка путур етказадиган ёки манфаатлар тўкнашувига олиб борувчи аффилланганлик ҳолати аникланса, Томонлар дархол бир-бирларини хабардор килиш мажбуриятини олади.

10.7. Томонлардан бирида мазкур боб бандларида қайд этилган ҳолатлар бузилиши юз берган ёки юз бериши мумкинлиги борасида шубҳа уйғонганида, ушбу Томон иккинчи Томонни бу ҳақда ёзма равишда хабардор килиш мажбуриятини олади. Томон ўзининг ёзма хабарномасида қайд этилган ҳолатларни тасдиқловчи ёки шуни таҳмин килишга асос бўлувчи далилларга таяниши ёки материалларни тақдим этиши шарт.

10.8. Тегишли Томон ёзма хабарнома берганидан кейин, талаблар бузилиш ҳолати рўй бермагани ёки рўй бермаслиги юзасидан тасдиқловчи маълумот олгунига қадар, Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришни тўхтатиб туришга хакли. Бундай тасдиқловчи маълумот ёзма хабарнома йўлланган кундан бошлаб ўн иш куни ичда тақдим этилиши керак.

10.9. Томонлардан бири мазкур бўлимда тақиқланган хатти-харакатларни ва/ёки мазкур Шартнома бўйича мажбуриялларни бажаришга салбий таъсир кўрсатувчи бошка гайрихукукий хатти-харакатларни содир этмаслик бўйича олган мажбуриятларни бузганда, ёхуд иккинчи Томон Шартномада кўрсатилган муддатда қоидабузилиш ҳолатлари содир бўлмагани ёки содир бўлмаслиги тўғрисида тасдиқловчи маълумот олмаганда, иккинчи Томон Шартномани тўлиқ ёки кисман бекор қилиш хақида ёзма хабарнома юборган ҳолда уни бекор қилиш ҳуқуқига эга.

## 11. Томонларнинг жавобгарлиги

11.1. Хизматлар кўрсатилмаган тақдирда Марказ Аккредитация обьектига муддати ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисми қийматининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, аммо пеняниң умумий микдори кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги керак. Пеня тўлови Марказни мазкур шартномада белгиланган мажбуриятларни бажарилишидан ҳамда хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплаш мажбуриятидан озод этмайди.

11.2. Марказ хизматлар учун Аккредитация обьекти томонидан тўлов ўз вақтида амалга оширилмаса, Аккредитация обьекти Марказга муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов микдорининг 0,4 фоизи микдорида, аммо муддати ўтган тўловнинг 50 фоизидан кўп бўлмаган микдорда пеня тўлайди. Пеня тўлови Аккредитация обьектини мазкур шартномада белгиланган мажбуриятларни бажарилишидан ҳамда унинг оқибатида етказилган зарарни қоплаш мажбуриятидан озод этмайди.

11.3. Мазкур Шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлик чоралари амалдаги фуқаролик конун ҳужжатлари талабларига мавофиқ кўлланилади.

## 12. Шартномага ўзгартариш ва қўшимчалар киритиш, уни бекор қилиш

12.1. Мазкур Шартномага ўзгартариш ва қўшимчалар Томонларнинг ўзаро келишувига асосан киритилади. Шартномага киритилган ўзгартариш ва қўшимчалар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, ҳар иккى Томон имзолаганидан кейин хақиқий хисобланади.

12.2. Куйидаги ҳолатларда ҳар қандай Томон иккинчи Томонни мазкур Шартномани бекор қилиш хақида ёзма равишда хабардор килиши мумкин:

бошка Томон мазкур Шартноманинг исталган шартига риоя этмаётган ёки уни бажармаётган бўлса;

иккинчи Томон ёки унинг мулкига нисбатан тегишли органлар томонидан банкрот деб топиш хақида ариза тайёрланган ёки судга киритилган ёхуд суд томонидан тегишли қарор кабул килинган, мулк бошқарувчи тайинлаш хақида ариза берилган ёки қарор кабул килинган бўлса;

иккинчи Томонга нисбатан мажбуран ёки ихтиёрий тугатиш жараёни бошланган бўлса; конун ҳужжатларида назарда тутилган бошка ҳолатларда.

12.3. Иккинчи Томон ёзма хабарномани олган кундан бошлаб 30 (үттиз) кун ўтгач ёки Томонлар мазкур Шартпомани бекор килишга ёзма равища келишган холатларда бошка муддатда Шартнома бекор килинган хисобланади.

### 13. Низоларни ҳал этиш

13.1. Мазкур Шартномани бажариш жараённида юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар имкон қадар Томонларнинг ўзаро музокаралари йўли билан ҳал этилади.

13.2. Низоларни музокаралар йўли билан ҳал этишнинг имкони бўлмаганда, келишмовчиликларни судгача тартибга солиш бўйича конунчиликда назарда тутилган тадбирлар амалга оширилганидан кейин, уларни ўрнатилган тартибда кўриб чиқиши учун Тошкент шахар туманлараро иктисодий судига беришади.

13.3. Аккредитация обьектининг Марказ ходимларининг хатти-харакатлари юзасидан шикоятлари Марказ директори номига ёзма равища киритилади. Аккредитация обьекти Марказ аккредитация комиссиясининг карори юзасидан апелляция комиссиясига мурожаат этиш хукукига эга.

### 14. Якуний қоидалар

14.1. Томонлар мазкур Шартнома, кейинчалик аслини тасдиклаш шарти билан, факсимиль алоқаси воситасида ёки электрон почта орқали тузилиши мумкинлигига келишиб олишиди.

### 15. Томонларнинг реквизитлари ва имзолари

<b>Марказ: "Ўзбекистон аккредитация маркази" ДУК</b>	<b>Аkkreditasiya ob'ekti: O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi akademik S. Yu. Yunusov nomidagi O'simlik moddalari kimyosi instituti</b>
<b>Манзили:</b> 100170, Тошкент ш, Мустақиллик шох кўчаси, 105 уй	<b>Манзили:</b>
<b>Банк реквизитлари:</b>	<b>Банк реквизитлари:</b>
X/p: 2021 0000 0008 7147 9001	X/p:
АИТБ "Ипак Йули" Сағбон филиали	O'zbekiston Respublikasi Moliya Vazirligi G'aznachiligi H/R: 2340 2000 3001 0000 1010 MB BB XKKM Toshkent sh. MFO: 00014 INN: 201122919 O'R FA Akad. S. Yu. Yunusov nomidagi O'simlik moddalari kimyosi instituti SH/H: 400110860262697015100043008 INN: 200 540 541 IFUT: 72190 QQS to'lovchisining kodи: 326020032498
<b>МФО:</b> 01036,	<b>ИНН:</b>
<b>ИНН:</b> 305478484,	<b>ОКЭД:</b>
<b>ОКЭД:</b> 72190	<b>Телефон:</b>
<b>Телефон:</b> +998 78 113-01-11	
<b>e-mail:</b> ariza@akkred.uz	<b>e-mail:</b>

Марказ раҳбари:

А.А.Закиров.



Аkkreditasiya ob'ekti раҳбари:

Сайдулаев Ішш.



Каримов Н.З.

Сертификат замуршич ибораси  
мадда газарни жисобидан  
Энж. М.М. -

У.Р.Х.Гарифов

Дж

О'ZAK-PR-07.F09, таҳрир: 01-00, сана: 29.03.2021

861938



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

**"O'ZBEKISTON AKKRREDITATSIYA MARKAZI" Davlat unitar korxonasi**

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektlining tashkilly-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'lq nomi)

**"O'ZBEKISTON AKKREDITATSIYA MARKAZI" DUK**

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil elish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

11.04.2018

599395

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR):

305478484

Tashkilly-huquqiy  
shakli:

Davlat unitar korxonasi

Joylashgan joyi:

Toshkent shahri, Mirzo Ulug'bek tumani, MUSTAQILLIK SHOX KO'CHASI,  
105-UY,

Guvohnoma:

Toshkent shahri, Mirzo Ulug'bek tumani, DAVLAT  
XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan  
berilgan

(Ro'yxatidan o'tkazuvchi organning to'lq nomi):

